

МЕРЫ ПО ВЫЯВЛЕНИЮ И ПРОФИЛАКТИКЕ БАКТЕРИАЛЬНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ

Абдусатторов Абдусалом Абдусатторович

д.в.н., профессор, Научно-исследовательский институт ветеринарии,
Самарканд. Узбекистан

Шералиева Интизор Дильмуродовна.

Младший научный сотрудник Научно-исследовательский институт
ветеринарии, Самарканд. Узбекистан

Аннотация: Приведены данные о свойствах вакцины против пастереллёза и диплококкоза овец. Экспериментальная однократная вакцинация является иммуногенной для 6-12 месячных животных. Отработаны иммуногенные дозы вакцины против диплококкоза овец которые при подкожном однократном введении составляют для овец 3 мл, а ягнят 2 мл.

Ключевые слова: Ветеринария, пастереллез, диплококкоз, вакцина, микробиология, бактерии, гипериммунная сыворотка, клинические признаки, патологические изменения, лечение.

Summary: Is determinated using and keeping the immunity vaction during 6-12 months of the lambs ante illness pasterilious and diplococcose. That's why it is possible to inoculation the lambs and sheeps once by 3 ml for sheeps and 2 ml for lambs under the skin.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги ПК-842 сонли қарорига асосан деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтириш ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда ички истеъмол бозорининг тўлдирилишини таъминлаш мақсадида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги шахсий ёрдамчи, деҳқон-фермер хўжаликлари чорва молларини кўпайтириш ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқиш учун қулай шароитлар яратилиб, республикамізда қорамоллар сони 2008 йилга нисбатан 112 минг моллар сони 770 минг бошга етказилди.

Қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлган чорвачиликни ривожлантиришга салмоқли хисса қўшиш ва уни етарли даражада маҳаллий ресурслардан ишлаб чиқилган ҳамда кенг доирада фойдаланиш мумкин бўлган ветеринария дори-дармонлари билан таъминлаш бугунги кунда ветеринария фаолиятининг муҳим вазифаларидан биридир. Маълумки ҳайвонларнинг юқумли касалликлари чорвачилик учун энг катта хавф бўлиб ҳисобланади ва соҳанинг ривожланиши юқори рентабилликка эришишга тўсқинлик қилади. Чунки, юқумли бактериял касалликларда касалланиш ва ўлиш даражаси юқори, касалликлар жуда оз вақтда кенг ҳудудга тарқалади, олдини олиш ва даволаш каби тадбирларга кўплаб маблағ сарфланади. Шунинг учун чорвачилик хўжаликларида бактериял юқумли касалликларнинг эпизоотологиясини ўрганиш, олдини олиш ва даволаш воситаларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари: Ёш қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида кенг тарқалган пастереллёз ва диплококкознинг эпизоотологиясини ўрганиш ҳамда, қўзилар пастереллёзи ва диплококкозига қарши вакцина яратиш ҳамда лаборатория шароитида иммуногенлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг вазифаси: Пастереллэз ва диплококкоз билан спонтан касалланган қўзиларнинг клиник белгилари, патологоанатомик ўзгаришлари ҳамда уларнинг паренхиматоз аъзоларидан касаллик қўзғатувчиларини ажратиш.

Материаллар ва методлар: Юқорида такидланган муаммолардан келиб чиқиб, Ветеринария илмий-тадқиқот институти “Ёш моллар касалликларини ўрганиш лабораторияси”да қўзилар пастереллэз ва диплококкоз касалликларининг олдини олиш мақсадида маҳаллий диплококк ва пастерелла штаммлари культураларидан фойдаланиб, пастереллэз ва диплококкозга қарши ассоциацияланган ГОА формол вакцина ишлаб чиқилди. Тайёрланган вакцинанинг сифат кўрсаткичлари лаборатория шароитида текширилди.

Вакцинани стериллигини ва зарарсизлигини аниқлаш учун вакцина намунаси ГПБ, ГПА, 5 % қон зардоби ГПБ, 5 % қон зардоби ГПА, Сусло агари, Китт-Тароцци озуқа муҳитларига экилди. Экилган озуқа муҳитлар $+37^{\circ}\text{C}$ ли термостатда, Сабуро озуқа муҳитига экилганида эса $+28^{\circ}\text{C}$ ли термостатда 10 кун давомида кузатилди. Термостатда сақлаш давомида озуқа муҳитларда ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмаса вакцина стерил эканлиги қайд қилинди. Вакцинани зарарсизлигини аниқлаш учун тирик вазни 16-18 гр бўлган 10 бош оқ сичқонларга тери остига 0,5 мл юборилди ва 10 кун кузатилди. Оқ сичқонлар касалланмаслиги ва ўлмаслиги лозим.

Пастереллэз қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг бактериал касаллиги ҳисобланиб, барча турдаги ҳайвонлар касалланади. Касаллик ўта ўткир, ўткир, ярим ўткир ва сурункали кечиб, инкубацион даври бир неча соатдан 2-3 кунгача давом этади. Ҳайвонларда бир неча соатда юрак фаолияти бузилиши, ўпкада шиш пайдо бўлиши ва қонли ич кетиши натижасида ўлада.

Диплококкоз касаллиги қишлоқ хўжалик ва ёввойи ҳайвонларнинг юқумли бактериал касаллигидир. Касаллик ўпканинг яллиғланиши, сепсис, артрит, ичакларнинг яллиғланиши, лимфа тизимининг жароҳатланиши билан кечади. Қўзилар орасида диплококкоз билан касалланган ҳайвонларнинг ўлиш даражаси 20-25 фоизни ташкил этади. Касалланиб тузалган ҳайвонлар ўсиш ва ривожланишдан ортда қолади ҳамда диплококк ташувчи бўлиб ҳисобланади (Ситдиқов А.К., Бурлуцкий И.Д. 1990, Махматкулов М.А., Ибадуллаев Ф.И., Элмуродов Б.А. 2001, Абдалимов С.Х, Элмуродов Б.А. 2008). Касалликдан ўлган ҳайвон патоморфологик текширилганда Г.А.Меркуловнинг услубидан фойдаланилди. Бактериологик текширишлар эса Р.А.Ционнинг бактерияларнинг аниқлаш калити бўйича олиб борилди.

Касалликга анамнез маълумотларига, клиник белгиларга, патологоанатомик ўзгаришларга, бактериологик текширишларга ва микроскопик кўринишларга асосланиб ташхис қўйилади. Келтирилган патологик намуналар сунъий озуқа муҳитларига бактериологик экмалар экилди ва $+37^{\circ}\text{C}$ ли термостатда ўстирилди. Озуқа муҳитларига экилган бактерия культураларнинг ўсиши назорат қилинди, колониялар тури, хилма хиллиги, ранги, катта кичиклиги аниқланди. Ушбу хусусиятлар оддий ГПА, ГПК, 5% қон зардобли ГПК, 5% қон зардобли ГПА, Китт – Тароцци муҳитларида бактериологик экмалар қилиш усулида ўрганилди. Янги ажратиб олинган

касаллик қўзғатувчиларининг культурал – морфологик хусусиятларини ўрганиш учун қўйидаги тартибда текширишлар ўтказилди: ҳаракатчанлиги осилган томчи усулида микроскопда: Грамманфий ёки мусбатлиги – Грам усулида буялиб микроскопда кўриш усули билан; спора ҳосил қилиш Грам ва Романовский – Гимза усулларида бўяб микроскопда кўриш йўли билан текширилиб ушбу кўрсаткичларнинг мусбат ёки манфий эканлиги аниқланди. Пастерелла ва Диплококк оддий, суюқ ва ярим суюқ озуқа муҳитларида яхши ўсади. Бактериялар ўсган бульон хиралашди. Барча анилин бўёқлар билан бўялади. Бўялишига кўра пастерелла Грамм манфий диплококк эса Грамм мусбат бўлади. Музлаткичда бир неча йилгача, паст ҳароратда яхши сақланади. Қўзғатувчининг морфологик хусусиятлари: юмалоқ шаклда якка, жуфт-жуфт ёки икки учлари узунчоқ, капсула ҳосил қилади. Ажратиб олинган қўзғатувчиларнинг патогенлик хусусияти лаборатория ҳайвонларини зарарсизлантириш йўли билан ўрганилди. Бунда ҳар бир янги ажратилган культуралардан бир суткалик ГПҚ суспензияси оқ сичқонларга тери остига 500 млн.м.т. ва қорин бўшлиғига 300 млн.м.т. юборилди. Назорат 5 10 кун давомида олиб борилди. Ўлган сичқонларнинг паренхиматоз аъзоларидан намуналар озуқа муҳитларига экилди. Озуқа муҳитларига ўсган бактериялар Грам усул бўйича бўялди ва микроскопия қилинди. Патогенлиги аниқланган бактериялар кейинги текширишлар учун олинди. Ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига асосланиб, касалликларга бактериологик ташхис қўйилди.

Тадқиқот натижалари: Диплококкозга қарши хорижда яратилган вакцинанинг иммунитет давомийлиги 4 ойгача давом этади. Республикада илк бор (Элмуродов Б.А., Махматкулов М., Абдалимов С.Х) маҳаллий штаммлар ва хомашёлар асосида яратилган вакцина 6 ойгача иммунитет давомийлигини сақлайди. Бу эса чорвачилик хўжаликларини диплококкоз касаллигини келтириши мумкин бўлган талофатдан сақлайди.

Хозирги кунда бизнинг тадқиқотларимиз натижасида Ветеринария илмий тадқиқот институти Ёш моллар касалликларини ўрганиш лабораториясида қўй, қўзилар пастереллэз ва диплококкоз касалликларини олдини олиш мақсадида маҳаллий штаммлардан фойдаланиб, лабораторияда пастереллэз ва диплококкозга қарши ассоциацияланган экспериментал ГОА формол вакцина ишлаб чиқилди. Бу вакцинани самарали тарафи шундаки битта вакцина билан иккита касалликни олди олинади ва чорвачилик хўжаликларига иқтисодий самара беради. Вакцина қўй, қўзиларга биринчи маротоба 2 мл дан, 14 кундан сўнг ревакцинация қилиниб 3 мл дан тери остига эмланди.

Олдини олиш: Пастереллэз ва диплококкоз касалликларини даволашда гипериммун қон зардобини ҳам ишлатилади. пастереллэз ва диплококкоз касалликларнинг аралаш ҳолда кечишини даволаш ва олдини олиш учун қўйидаги тавсиялар берилади:

- пастереллэз ва диплококкоз касаллиги биргаликда касаллантирган ҳайвонларга пастереллэз ва диплококкоз қарши гипериммун қон зардобини даволаш дозасида (1,5-2мл кг) юборилади ҳамда қўйидаги антибиотиклардан бири қўлланилади: энрофлоксацин, биометцен, стрептомецен. Бунда сульфаниламидлар ва глюкоза, кофеин каби симптоматик воситалардан ҳам фойдаланилади;

- гипериммун қон зардобини қўллагандан 4-5 кун ўтказиб, эмлаш ёшидаги ҳайвонлар пастереллез ва диплококкозга қарши эмланади;

- ҳайвонларни пастереллез ва диплококкоз касаллигини олдини олиш учун Ветеринария илмий тадқиқот институтида яратилган ГОА формол вакцина тавсия этилади.

Хулоса қилиб шуни такидлаш лозимки, мазкур ўтказилган тадқиқотлар натижасида қўзиларнинг пастереллез ва диплококкоз касалликларига қарши ассоциацияланган вакцина бир вақтнинг ўзида иккита касалликни олдини олиш учун ишлатилади ва чорва фермер хўжаликларида кам сарф харажат ҳамда вақтдан унумли фойдаланишга ёрдам беради. Вакцина биринчи мартаба 2 мл, иккинчи мартаба 3 мл тери остига септика ва антисептика қоидалирига амал қилган ҳолда қўлланилади. иммунитет самарадорлиги 12 ой давом этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Чепуров К.П. «Диплококковые и стрептококковые заболевания животных» Киев-1963. – 160 с

2. Сытдинов А.К., Бурлуцкий И.Д., Болезни молодняка справочник Ташкент М 1990. – С 139.

3. Махматкулов М.А., Ибодуллоев Ф.И., Элмуродов Б.А., «Қўйлар экспериментал диплококкозида кузатилган патоморфологик ўзгаришлар. // Конф маъруз.матнининг тўплами. Самарканд 2001 97-98 бет.

4. Элмуродов Б.А., Абдалимов С.Х., «Диплококкоз» журнал «Зооветеринария» Тошкент-2008 – №3 – 16-17 бет.

5. Элмуродов Б.А., Парманов Ж.М., Махматкулов М. Қоракўл қўйларида пастереллезнинг кечиши ва эпизоотологиясининг ўзига хос хусусиятлари. “Ветеринария” журнали Тошкент 1999. № 3. 33 бет.

6. Абдалимов С.Х., Элмуродов Б.А. // Диплококкоз // журнал «Зооветеринария» нишона сони 2007. 18 – бет.

7. Элмуродов Б.А., Абдалимов С.Х. «Қўй ва қўзилар диплококкози». // Конф маъруз. матнининг тўплами. Самарканд 2006 – 25-26 бет.